

**NAVBAHORTUMANLARAR
O
IQTISODIYSUDI**



**NAVBAHOR INTER-
DISTRICT
ECONOMIC COURT**

210200, Navbahortumani, Beshrabot
qo'rg'oni, Boburshohko'chasi

Navbahordistrict, 210200,
Beshrabot fortress, Boburshoh street

Tel: (79) 562-87-31, (79) 562-87-23
mail: i.navbahor@sud.uz

Веб сайт: www.oliysud.uz e-

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Навбахор тумани

2022 йил 24 октябрь

4-2103-2201/1312-сонли иш

Навбахор туманлараро иқтисодий суди судьяси Ш.З.Хамидов раислигида, судья ёрдамчиси А.Рамазоновнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи Нурота туман давлат солиқ инспекциясининг жавобгар “Nurota Embroidery” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили Ф.Бозоров (2022 йил 26 августдаги 23-05370-сонли ишончнома асосида)нинг иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Навбахор туман давлат солиқ инспекциясининг биносида бўлиб ўтган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб,

а н и қ л а д и:

Нурота туман давлат солиқ инспекцияси солиқ органларида рўйхатдан ўтган жавобгар “Nurota Embroidery” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 308757673)га нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, белгиланган муддатларди солиқ ҳисоботини тақдим қилмаганлиги сабабли, жавобгарнинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туришни сўраган.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар вакили суд мажлисига келмади. Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 128, 220-моддасига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб ҳал қилишни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили, жавобгар ҳисоботларни тақдим этмаганлигини маълум қилиб, суддан арз қилинган талабни қаноатлантиришни сўради.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (кейинги ўринларда СК деб юритилади) 111-моддасига асосан, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин.



СКнинг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга асос бўлади.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгар “Nurota Embroidery” масъулияти чекланган жамияти Нурота туман давлат солиқ инспекциясига аризада кўрсатиб ўтилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатида тақдим этмаган.

Баён этилганларга асосланиб суд, аризада кўрсатилган ҳолатлар жавобгар томонидан бугунги кунга қадар бартараф этилмаганлигини инобатга олиб, Нурота туман давлат солиқ инспекциясининг арз қилинган талабини қаноатлантиришни лозим топди.

ИПКнинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Шу сабабли суд “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини инобатга олиб, жавобгардан давлат божи суммасини ундирмасликни, аризачи томонидан олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати жавобгардан аризачи фойдасига ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176, 179 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Ариза талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Nurota Embroidery” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операция (солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди)ларининг чиқиш қисми ҳуқуқбузарлик факти бартараф этилгунига қадар тўхтатиб турилсин.

Жавобгар “Nurota Embroidery” масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатувчи барча банклар “Nurota Embroidery” масъулияти чекланган жамиятига тегишли тўхтатиб турилган ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этилгандан сўнг, “Nurota Embroidery” масъулияти чекланган жамиятининг тегишли ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Жавобгар “Nurota Embroidery” масъулияти чекланган жамиятидан аризачи Нурота туман давлат солиқ инспекцияси фойдасига олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан ўн кун муддат ўтгач қонуний кучга киради. Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.



Судья

Ш.З.Хамидов

Хужжат имзоланган: Хамидов Шерали Зарипович, 03.10.2022

